



1-ТОМ, 10-СОН

**Рақамли иқтисодиёт шароитида ўқувчиларни замонавий касбларга
йўналтириш истиқболлари**

Н.Рахимов

Осиё Халқаро Университети магистранти

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий технологияларга асосланган рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали дастурчи ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш долзарб муаммо сифатида қаралмоқда. Республикаизда умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига бўлган қизиқишини янада ошириш, ўқувчиларда замонавий рақамли технологиялар, дастурлаш асослари, электрон тижорат йўналишларини ўргатиш учун кулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги “IT-технологиялар ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти 556-сон қарорида IT-технологиялар ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, уларни кейинчалик ишга жойлаштиришда кўмаклашиш, илғор IT-компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатиш назарда тутилган. Ушбу белгиланган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги дидактик жараёнларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, ўқувчиларни IT-технологиялар ва компьютер дастурлаш соҳасидаги касбларга мақсадли ва манзилли йўналтириш самарадорлигини таъминлашга қаратилган ахборот-дидактик таъминот платформаси яратиш;

Иккинчидан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини мактаб ўқув дастурларига интеграция қилиш орқали ўқувчиларга IT-технологиялар ва компьютерда дастурлаш асосларининг чуқур ўргатилишини ташкил этиш;

Учинчидан, ўқувчиларни IT-соҳасидаги касбларга ўқитиш ва билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий қилиш, рақамли ўқув воситалари ва масофавий таълим шаклини кенг қўллаш;

Тўртинчидан, ўқув дастурларининг рақамли иқтисодиёт талабларига мослашишини таъминлаш ва бу борада таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари, давлат идоралари ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

Бешинчидан, ўқувчиларнинг дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари, IT-парклар фаолияти билан яқиндан таништириш кабилар





1-ТОМ, 10-СОН

ушбу белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қўйидаги имкониятлар яратилади. Жумладан:

- IT-паркларнинг стратегик режалари асосида ўқувчиларни ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтириш халқаро тажрибалар асосида такомиллаштирилади;
- Ўқувчиларни ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтириш тизимини илмий асосланади ҳамда ишлаб чиқилган дастурий таъминот амалиётга жорий этилади.
- Ривожланган давлатларнинг ўқувчиларни ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтиришдаги илғор халқаро тажрибаларини амалиётига жорий этиш натижасида халқаро меҳнат бозори билан алақадорликни таъминлаш имкониятини яратади.
- Ўқувчиларини ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтиришдаги ижтимоий-иқтисодий, педагогик ва амалий асослари такомиллаштирилади;
- Рақамли иқтисодиётнинг ривожлантириш кўрсаткичлари асосида ўқувчиларни ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтириш тизимини илмий асосда йўлга қўйиш, тизимни амалга ошириш механизмининг яратилиши ўқувчиларнинг бандлигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришдаги кейинги фаолиятини мониторинг қилиш имконияти беради.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг ривожлантириш кўрсаткичлари асосида ўқувчиларни ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли ва манзилли йўналтиришдан асосий мақсад ҳар бир ўқувчининг IT-паркларнинг мақсадли дастурлари асосида шахсий сифатлари, қизиқиш, қобилият, мойилликларини уйғуллаштириш ва меҳнат бозорининг талабларига ҳамда ахборот технологиялари соҳасини онгли равишда танлаш қўнималарини шакллантириш имкониятини яратади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий ривожланишда жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган республикамизда иқтисодиётга инновацион IT- технологияларни жалб қилиш, худудларнинг инфраструктурани шакллантириш, жалб қилинаётган инвестициялар ва амалга оширилаётган лойиҳалар орқали худудларда техник-технологик ривожланишни жадаллаштириш, ахолининг бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришда умумий ўрта таълим ўқувчиларини меҳнат бозори талаблари асосида замонавий касбларга йўналтириш муҳим аҳамиятга эгадир.





1-ТОМ, 10-СОН

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги “IT-технологиялар ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 556-сонли Қарори.
2. Г. И. Хорват, О. В. Бибикова Организация профессионального самоопределения.Научно-метод. электр. журнал Концепт. – 2015. – №26. – С. 241-245.
- 3.Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий–назарий асослари. Монография. – Т.: Фан, 2007. – 160.

